

БИЗНЕС ВА ТАДБИРКОРЛИК ОЛИЙ МАКТАБИДА ИЛМИЙ-ПЕДАГОГИК КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШ ФАОЛИЯТИ ТАҲЛИЛИ

Олий таълимни 2030 йилгача ривожлантириш Концепциясида бўлажак мутахассисларнинг ўз йўналишларида тадқиқотчилик кўникма ва малакаларга эга бўлиши олий таълимни ривожлантиришнинг стратегик вазифалари қаторида келтирилган. Илмий тадқиқот билан шуғулланишнинг асосида шахсда шаклланган тадқиқотчилик қобилияти туради. Тадқиқотчилик қобилиятининг дастлабки сифатлари мутахассиснинг соҳага оид муаммоларни аниқлай олиши, керакли маълумотларни қидириб топиши, топилган маълумотларни қайта ишлаши, танқид ва таҳлил қилиш асосида муаммони ҳал этишга ижодий ёндаша олиши кабиларда намоён бўлади.

Олиб борилган тадқиқотлар олий таълим муассасалари битирувчиларининг ўз йўналиш ва мутахассисликлари бўйича нуфузли ташкилотларда ишлаб кетишлари кўп жиҳатдан уларнинг профессионал малакалари билан боғлиқ эканлигини тасдиқлайди.

Ёш олимларнинг илмий тадқиқот билан шуғулланишидаги афзалликлари шундаки, илмий-тадқиқот ишлари уларни юзага келаётган назарий ва амалий муаммоларни оқилона ва самарали ҳал эта оладиган ижодкор шахслар сифатида шакллантиришга хизмат қилади. Бўлажак мутахассисларда тадқиқотчилик кўникмаларининг бўлиши – юқори малакали кадрларга кўйиладиган энг муҳим талаблардан бири эканлигини таъкидлаб ўтиш лозим. Чунки, бирор бир соҳада тадқиқотчи кадрлар фаолият юритмас экан, бу соҳада янгиликлар, ривожланишлар, самарадорлик кўрсаткичлари ҳақида гап бўлиши мумкин эмас .

Ўзбекистон Республикасининг илм-фан ва илмий фаолият соҳасида халқаро ҳамкорлиги миллий илмий мактабларнинг жаҳон миқёсида ўз ўрнига эга бўлиши, дунё илм-фани ва технологиялари илғор ютуқларидан миллий иқтисодиёт рақобатбардошлигини юксалтиришда фойдаланиш, чет эл инвестициялари, чет эллик етук илмий ва технология марказлари, олимлар, мутахассисларни мамлакатга жалб этиш, илмий фаолият юритувчи жисмоний шахсларнинг хорижда тажриба ва малака орттиришларини таъминлаш мақсадларида амалга оширилади.

Илм-фан — ҳар қандай давлатни ривожланишга етакловчи асосий куч ҳисобланади. Давлатнинг ривожланишини фан тараққиёти орқали баҳолаш жуда ҳам ўринлидир. Бугунги кунда Ўзбекистонда 33 мингдан ортиқ шахс илмий-тадқиқот ишлари билан шуғулланади.

Ҳар йили Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг салмоқли қисми ижтимоий харажатларга, шу жумладан, таълим ва илм-фанга сарфланади. 2024 йилда мамлакат бюджетидан фақат инновацион ривожланиш ва новаторлик ҳолатларини қўллаб-қувватлаш, объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун 7,5 триллион сўмдан ортиқ маблағ ажратилди. 2025 йилнинг 3-чорагигача бу кўрсаткич 6,1 триллион сўмдан ортиқни ташкил этади.

Тегишли фан йўналишлари бўйича фалсафа доктори (Doctor of Philosophy (PhD)), фан доктори (Doctor of Science (DSc)) илмий даражаларини, профессор, доцент ва катта илмий ходим илмий унвонларини бериш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

Умуман олганда, сўнгги йилларда илм-фан ва инновацияларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тизимини такомиллаштиришнинг ҳуқуқий асослари яратилди. Жумладан, 2018-2025 йилларда илмий-инновацион фаолият соҳасида 2 та қонун, Президентнинг 7 та Фармони ва 26 та қарори, Вазирлар Маҳкамасининг 37 та қарори ва 7 та фармойиши қабул қилинди. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Олий ўқув юртидан кейинги таълим тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида» 2017 йил 16-февралдаги ПФ-4958-сон Фармони ва ушбу фармон ижросини таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамасининг 2017-йил 22-майдаги 304-сонли “Олий таълимдан кейинги таълим тўғрисида”ги қарори ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 2025-йил 12-июндаги 362-сонли “Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек, баъзиларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида”ги қарори қабул қилинган бўлиб, Олий таълимдан кейинги таълим тизими юқорида келтирилган фармон ва қарорлар асосида шакллантирилади, тартибга солинади ва назорат қилинади.

Олий таълимдан кейинги таълим — жамиятнинг олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрларга эҳтиёжини таъминлашга йўналтирилган узлуксиз таълим тури ҳисобланади.

Олий таълимдан кейинги таълим олий таълим муассасалари ва илмий-тадқиқот муассасаларида олинади.

Олий таълимдан кейинги таълим қуйидаги шаклларда ташкил этилади:

таянч докторантура - ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда мутахассисликни чуқур ўрганиш ва докторлик диссертациясини тайёрлаш ҳамда ҳимоя қилиш мақсадида улар томонидан илмий изланишлар олиб бориш бўйича фалсафа доктори (PhD) илмий даражаси изланувчилари учун Олий

Таълим Муассасалари (ОТМ) ва Илмий Таълим Муассаса(ИТМ)ларида олий малакали илмий-педагог кадрлар ихтисосликлари бўйича ташкил этиладиган олий ўқув юртидан кейинги таълим шакли;

докторантура - ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда мутахассисликни чуқур ўрганиш ва докторлик диссертациясини тайёрлаш ҳамда ҳимоя қилиш мақсадида улар томонидан илмий изланишлар олиб бориш бўйича фан доктори (DSc) илмий даражаси изланувчилари учун ОТМ ва ИТМларида олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар ихтисосликлари бўйича ташкил этиладиган олий ўқув юртидан кейинги таълим шакли;

мустақил изланувчилик - ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда докторлик диссертациясини тайёрлаш ва ҳимоя қилиш мақсадида мутахассисликни чуқур ўрганиш ва улар томонидан илмий изланишлар бўйича фалсафа доктори (PhD) ёки фан доктори (DSc) илмий даражалари изланувчилари учун ОТМ ва ИТМларда ташкил этиладиган олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар бўйича олий ўқув юртидан кейинги таълим шаклидир.

Талабгорларга қўйиладиган талаблар:

Олий таълимдан кейинги таълимга қабул қилинаётганлар қуйидаги талабларга жавоб бериши шарт: текстдан барча жирный шрифтларни оддийга ўзгартириш керак

- магистр дипломига эга бўлиш;
- клиник ординатурага (тиббиёт фанлари учун) эга бўлиш;
- мутахассислик дастурлари бўйича олинган олий маълумот тўғрисидаги дипломга эга бўлиш;
- илмий даражага эга бўлганлар мутахассислиги олий таълимдан кейинги таълим ихтисослиги тегишли бўлган фан соҳасига мувофиқ бўлиши.

Фан соҳалари мос келмаганда ёки олий таълимдан кейинги таълимни фаннинг турдош соҳалари бўйича олиш режалаштирилганда талабгорлар Олий аттестация комиссияси (ОАК) белгилаган фанлар бўйича қўшимча имтиҳонлар топширади.

Қуйидаги мутахассисликлар бўйича фаннинг турдош соҳалари бўйича қабул қилишга йўл қўйилмайди:

- тиббиёт;
- фармацевтика;

- ветеринария.

Фалсафа доктори (PhD) илмий даражасини олиш истагидаги талабгорларга илмий раҳбарларга, фан доктори (DSc) илмий даражасини олиш истагидаги талабгорлар эса — илмий раҳбарларга бириктирилади.

Фан доктори (DSc) илмий даражасини олиш учун тайёрланадиган диссертация тадқиқотлари илмий маслаҳатчини тайинланмасдан ҳам амалга оширилиши мумкин.

Олий таълимдан кейинги таълимга қабул қилиш - таълим муассасалари ҳар йили 1 сентябрга қадар оммавий ахборот воситаларида олий таълимдан кейинги таълимга ўқиш учун талабгорларнинг ҳужжатларини қабул қилиш тўғрисида эълон беради.

Ҳужжатлар қабул комиссияси томонидан 15 сентябрдан 15 октябргача бўлган даврда қабул қилинади.

Таянч докторантурада ўқишга талабгорлар қуйидаги ҳужжатларни топширади:

- қисқача биографик маълумотнома;
- олий таълим муассасаси магистратураси дипломи ёки клиник ординатурани тугатганлик (тиббиёт фанлари учун), олий маълумот (мутахассислик дастурлари бўйича) тўғрисидаги диплом нусхаси;
- нашр этилган илмий ишларнинг электрон нусхалари;
- Чет тилини билиш даражасини тасдиқловчи амалдаги халқаро малака сертификатлари
- Президент Давлат стипендияси соҳиблари тегишли ҳужжат нусхасини тақдим этадилар.

Докторантурада ўқишга талабгорлар қуйидаги ҳужжатларни топширади:

- қисқача биографик маълумотнома;
- олий маълумот, фан номзоди ёхуд фалсафа доктори (PhD) ёки хорижий давлатларда унга тенглаштирилган илмий даражага эга бўлганлиги тўғрисидаги диплом нусхаси;
- тадқиқот мавзуси бўйича илмий маъруза ва фан доктори (DSc) илмий даражасини олиш учун тайёрланган докторлик диссертацияси режасининг муфассал лойиҳаси;

- нашр этилган илмий ишларнинг электрон нусхалари.

Мустақил изланувчиликка талабгор қуйидаги ҳужжатларни топширади:

- қисқача биографик маълумотнома;

• фалсафа доктори (PhD) илмий даражасини олиш учун мустақил изланувчи сифатида расмийлаштириш учун магистрлик ёки клиник ординатура (тиббиёт фанлари учун) ёки олий маълумот (мутахассислик дастури бўйича) тўғрисидаги диплом нусхаси;

- илмий ишларнинг электрон нусхалари;

• фан доктори (DSc) илмий даражасини олиш учун мустақил изланувчи сифатида расмийлаштириш учун фан номзоди ёки фалсафа доктори (PhD) дипломи ёки хорижда олинган унга тенглаштирилган бошқа илмий даражалар дипломи нусхаси;

- иш жойидан тавсифнома.

Тиббиёт фанлари бўйича олий таълимдан кейинги таълимга қабул қилишда талабгордан клиник ординатура (магистратурани) ёки илмий даражани олганидан сўнг илмий, илмий-педагогик ёки амалий иш стажига эга бўлиши талаб этилиши мумкин.

Имтиҳонлар:

Кириш суҳбати саволлари ОТМ ёки ИТМнинг қабул комиссияси томонидан мутахассисликнинг моҳиятидан келиб чиқиб тузилади ва коллегиял орган томонидан тасдиқланади.

Докторантура, таянч докторантура ва мустақил изланувчиликка талабгорлар коллегиял орган томонидан ихтисослик бўйича суҳбатдан ўтадилар.

Таянч докторантура ва докторантурага кириш учун суҳбат ҳар йили 1 -25 ноябрь даврида ўтказилади.

Мустақил изланувчиликка талабгорларни танлаб олиш ҳар чоракнинг учинчи ойигача бўлган муддатда ихтисослик бўйича суҳбат натижалари ва илмий ташкилот ёки таълим муассасасидаги қабул комиссиясининг тегишли хулосаси бўйича амалга оширилади.

Олий таълимдан кейинги таълимга ўқишга қабул қилиш ҳар йили 5-декабргача амалга оширилади. Бунда таълим олиш кейинги йил бошидан бошланади.

Ўқишга қабул қилиш тўғрисидаги буйруқда, тасдиқланган диссертация мавзулари илмий раҳбарлар ва илмий консультантлар (консультант бўлган тақдирда) ҳам белгиланади.

Тасдиқланган диссертация мавзулари, илмий раҳбар ва илмий консультантлар (консультант тайинланган ҳолатларда) тўғрисидаги Илмий педагогик кадрлар бўлими томонидан Инновацион ривожланиш вазирлигининг маълумотлар базасига киритилади, шунингдек ОАКда рўйхатга олинади ва «ОАК Бюллетени» журналида чоп этилади.

Таълим олиш-ўқишга қабул қилинган санадан бошлаб:

- **таянч докторантурада** — таҳсил олувчи шахсларга илмий даражага ёки илмий унвонга эга бўлмаган кичик илмий ходим лавозим маошининг базавий миқдорига тенглаштирилган миқдорда стипендия тўланади;

- **докторантурада** — таҳсил олувчи шахсларга фан номзоди ёки фалсафа доктори (PhD) илмий даражасига ёки хорижий давлатларнинг унга тенглаштирилган бошқа илмий даражаларига ёки илмий унвонга эга бўлган етакчи илмий ходим лавозим маошининг базавий миқдорига тенглаштирилган миқдорда стипендия тўланади.

Бир неча таълим муассасасида бир вақтнинг ўзида мустақил изланувчиликка йўл қўйилмайди.

Амалдаги барча талабларни бажарган ва диссертациясини ОАК талабларига мувофиқ равишда тайёрлаган мустақил изланувчилар диссертация ҳимоясига қўйилади.

Олий таълимдан кейинги таълим талабларини бажарган ва белгиланган тартибда диссертация ҳимоя қилган шахсларга ўрнатилган тартибда давлат намунасидаги тегишли фалсафа доктори (PhD) ва фан доктори (DSc) дипломи берилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023-йил 4-апрелдаги 108-сонли “Иқтисодий ислохотларни амалга оширишда илмий ёндашувларни кенгайтириш ва бошқарув кадрларини тайёрлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020-йил 30-июлда қабул қилинган “Бизнес ва тадбиркорлик олий мактаби фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 460-сонли қарори ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2024-йил 30-декабрдаги “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Бизнес ва тадбиркорлик олий мактаби фаолиятини самарали ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 904-сонли

қарорида Олий бизнес мактабининг асосий вазифалари ва фаолият йўналишларидан бири этиб, Республика иқтисодиётини ривожлантиришга зарур бўлган бошқарув кадрлари, шу жумладан олий таълим, олий таълимдан кейинги таълим, кадрлар малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш белгиланган.

Олий бизнес мактаби ҳузуридаги фалсафа доктори (PhD) ва фан доктори (DSc) илмий даражаларини берувчи Илмий кенгаш фаолияти ҳамда олий таълимдан кейинги таълим институти 08.00.16 – “Рақамли иқтисодиёт ва халқаро рақамли интеграция” ихтисослиги бўйича 2019 йилда илк бор рақамли иқтисодиёт соҳасида очилди. Илмий кенгаш ва Илмий семинар фаолиятига 2020-2021 ўқув йилдан Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясидан (ОАК) рухсат олинди.

Мазкур Илмий кенгашда 2025 йилгача 7 нафар докторант (PhD) муваффақиятли ҳимоя қилган. Ҳозирда 3 нафар таянч докторант ҳамда 2 нафар мустақил изланувчи ҳимоя қилиш босқичидадир. Кафедралараро ҳимоя босқичидан 6 нафар тадқиқотчилар, Илмий кенгаш қошидаги Илмий семинарда жами 3 нафар PhD тадқиқотчи дастлабки муҳокамадан ўтди.

Олий таълимдан кейинги таълим ва илмий фаолият билан шуғулланувчи кадрлар ва тадқиқотчилар билан узвий фаолият олиб бориш мақсадида олий бизнес мактабида Илмий педагогик кадрлар тайёрлаш бўлими ташкил этилган. Бўлимнинг асосий мақсади этиб, Олий бизнес мактаби илмий ва илмий-педагогик фаолиятини ҳамда олий таълимдан кейинги таълим жараёнларини самарали ташкил этиш, бошқариш, назорат қилиш, такомиллаштириш белгилаб олинган.

Олий бизнес мактабида 2024-йилда 08.00.15 - “Тадбиркорлик ва кичик бизнес иқтисодиёти” ихтисослиги, 2025-йилда эса 08.00.07 – “Молия, пул муомаласи ва кредит” ва 08.00.13 – “Менежмент” ихтисосликлари очилди. Ҳозирда, Олий бизнес мактабида олий таълимдан кейинги таълимни 4 та ихтисосликлари бўйича қабул амалга оширилмоқда.

Докторантурада жами 75 нафар изланувчи иқтисодиёт соҳасида изланиш олиб бормоқда, шундан мустақил изланувчиликда (PhD) – 51 нафар ва мустақил изланувчиликда (DSc) – 5 нафар, таянч докторантурада (PhD) – 17 нафар ва докторантурада (DSc) – 2 нафар. Шу билан бирга, 08.00.16 – “Рақамли иқтисодиёт ва халқаро рақамли интеграция” ихтисослиги бўйича 60 нафар, 08.00.15 - “Тадбиркорлик ва кичик бизнес иқтисодиёти” ихтисослиги бўйича 13 нафар, 08.00.13 – “Менежмент” ихтисослиги бўйича 1 нафар ва

08.00.07 – “Молия, пул муомаласи ва кредит” ихтисослиги бўйича 1 нафар изланувчиларни ташкил этади.

Олий бизнес мактаби изланувчиларининг илмий ишларига илмий маслаҳатчи сифатида Кореянинг Hondong Global университети профессорлари билан ҳамкорликда ишлаш ташкиллаштирилган, 7 нафар тадқиқотчи ўз илмий фаолиятида Кореялик профессорлар билан ҳамкорликда фаолият олиб борди ҳамда илмий ишларига 20%-30% гача ўзгартириш киритдилар.

2021-2025 йиллар мобайнида таянч докторантлар, мустақил изланувчиларнинг диссертация иши ва авторефератига етакчи ташкилот сифатида жами 63 та, шундан 2021 йилда 7 та, 2022 йилда 6 та, 2023 йилда 11 та, 2023 йилда 7 та, 2024 йилда 14 та ва 2025 йилнинг ҳозирги кунга келиб 18 та Илмий семинар ўтказилди ва тегишли хулосалар берилди.

Олий бизнес мактаби 2025-йилда Россия Федератсияси Президенти ҳузуридаги Россия халқ хўжалиги ва давлат хизмати академияси (РАНХИГС) билан биргаликда олий таълимдан кейинги таълим тадқиқотчилари диссертация химоясини биргаликда амалга ошириш бўйича келишиб олинди.

Олий бизнес мактабида тахсил олаётган магистр талабаларига олий таълимдан кейинги таълим тўғрисида тушунтириш ишлари олиб борилмоқда ва фалсафа докторлигини олиш учун талабгорларнинг кўпчилиги Олий бизнес мактаби магистрантлари ҳисобланади. Фалсафа доктори (PhD) ва фан доктори (DSc) даражаларини олиш учун Олий бизнес мактабида тадқиқот ишларини олиб борган изланувчилардан 7 нафари ҳозирги кунда Олий бизнес мактабида педагогик фаолиятни олиб бормоқдалар. Ундан ташқари, 12 нафар олий бизнес мактаби бўлим ходимлари ва кафедра профессор-ўқитувчилари олий таълимадан кейинги таълимда илмий изланишларини олиб бормоқда.

Олий таълимдан кейинги таълим изланувчилари ва битирган тадқиқотчилар Ўзбекистон Руспубликаси иқтисодиёти учун аҳамиятга эга илмий изланишлар олиб борган ҳамда олий бизнес мактаби илмий кадрлар салоҳиятини кенгайтириш учун хизмат қилиб келмоқда.